

680 - وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: كُنَّا مَعَ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فِي سَفَرٍ، فَتَرَلْنَا مَنْزِلًا، فَمِنَّا مَنْ يُصَلِّحُ حِبَاءَهُ، وَمِنَّا مَنْ يَنْتَضِلُ، وَمِنَّا مَنْ هُوَ فِي جَشْرِهِ؛ إِذْ نَادَى مُنَادِي رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: الصَّلَاةُ جَامِعَةٌ. فَاجْتَمَعْنَا إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: «إِنَّهُ لَمْ يَكُنْ نَبِيًّا قَبْلِي إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَيْهِ أَنْ يُدَلَّ أُمَّتُهُ عَلَى خَيْرِ مَا يَعْلَمُهُ هُمْ، وَيُنذِرَهُمْ شَرَّ مَا يَعْلَمُهُ هُمْ، وَإِنَّ أُمَّتَكُمْ هَذِهِ جُعِلَ عَافِيَتُهَا فِي أَوَّلِهَا، وَسَيُصِيبُ آخِرَهَا بَلَاءٌ وَأُمُورٌ تُنْكَرُونَهَا، وَتَجِيءُ فِتْنَةٌ يُرْفَقُ بَعْضُهَا بَعْضًا، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ مُهْلِكَتِي، ثُمَّ تَنْكَشِفُ، وَتَجِيءُ الْفِتْنَةُ فَيَقُولُ الْمُؤْمِنُ: هَذِهِ هَذِهِ، فَمَنْ أَحَبَّ أَنْ يُرْخَزَ عَنِ النَّارِ وَيُدْخَلَ الْجَنَّةَ فَلْتَأْتِهِ مَبِيَّتُهُ وَهُوَ يُؤْمِنُ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ، وَلِيَأْتِ إِلَى النَّاسِ الَّذِي يُحِبُّ أَنْ يُؤْتَى إِلَيْهِ، وَمَنْ بَاعَ إِمَامًا فَأَعْطَاهُ صَفَقَةً يَدِهِ وَتَمَرَةً قَلْبِهِ فَلْيَطْعُهُ إِنْ اسْتَطَاعَ، فَإِنْ جَاءَ آخِرُ يَنَازِعُهُ، فَاضْرِبُوا عُنُقَ الْآخِرِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ [1844].

قوله: «يَنْتَضِلُ» أي: يُسَابِقُ بِالرَّمِيِّ بِالنَّبْلِ وَالنُّشَابِ، «وَالجَشْرُ» بفتح الجيم وَالشَّيْنِ الْمُعْجَمَةِ وَبِالرَّاءِ: وَهِيَ: الدَّوَابُّ الَّتِي تَرعى وَتَبِيثُ مَكَاتِهَا.

وقوله: «يُرْفَقُ بَعْضُهَا بَعْضًا» أي: يُصَيِّرُ بَعْضُهَا بَعْضًا رَقِيقًا؛ أي: خَفِيفًا لِعِظَمِ مَا بَعْدَهُ، فَالثَّانِي يُرْفَقُ الْأَوَّلَ، وَقِيلَ: مَعْنَاهُ: يُشَوِّقُ بَعْضُهَا إِلَى بَعْضٍ بِتَحْسِينِهَا وَتَسْوِيلِهَا، وَقِيلَ: يُشْبِهُ بَعْضُهَا بَعْضًا.

680. Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга сафарда эдик. Бир манзилга тушдик. Биздан кимдир чодирини тузатаётган, кимдир ўқ отишаётган, кимдир (уловлар билан) ўтлоқда эди. Бирдан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жарчиси «Жамоат намозига!» деб жар солиб қолди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жамландик. У зот шундай дедилар: **«Мендан олдин келган ҳар бир набийга умматини улар учун яхши деб билган нарсасига йўллаш ҳамда улар учун ёмон деб билган нарсасидан огоҳлантириш вожиб бўлган. Ушбу умматнинг офияти аввалида қилинди. Охирига эса ҳали балолар ва сизлар мункар деб биладиган ишлар келади. Шундай фитналар келадики, бири бирини (кейингиси аввалгисини) енгил кўрсатиб қўяди. Фитна келади, шунда мўмин: «Менинг ҳалокатим мана шу», деб қолади, лекин (фитна) ўтиб кетади. Яна фитна келади, шунда мўмин: «Шуниси, шуниси», дейди.**

Ким дўзахдан йироқлаштирилиб, жаннатга киритилишини истаса, ўлими келганда Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган ҳолда бўлсин; ўзига қандай муомала бўлишини истаса, одамларга ҳам шундай муомала қилсин.

Ким бир раҳбарга байъат қилиб, унга қўлини ва қалб қўрини тутган бўлса, агар қодир бўлса, унга итоат қилсин. Аммо бошқаси у билан (раҳбарликни) талашгани келса, ўша бошқанинг бўйнини чопинглар».

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ҳадиснинг давомида қуйидаги қўшимчалар бор:

«Мен унга яқинлашиб, «Аллоҳ ҳаққи сўрайман, сиз буни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитганмисиз?» дедим. У қўлини икки қулоғига, юрагига қўйиб, «Буни икки қулоғим билан эшитганман, қалбимга жо қилганман», деди. Шунда мен унга: «Манави амакиваччанг Муовия мол-мулкимизни ўзаро ботил йўл билан ейишга ва ўзимизни ўлдиришга буюряпти-ку! Ҳолбуки, Аллоҳ: **«Эй иймон келтирганлар! Бир-бирингизнинг мол-мулкингизни ботиллик билан еманг. Фақат ўзаро розилик ила тижорат бўлса, мустасно. Ўзингизни ўзингиз ўлдирманг. Албатта, Аллоҳ сизларга раҳмлидир»**[1] деган-ку», дедим. У бир муддат жим турди-да, сўнг: «Унга Аллоҳнинг тоатида итоат қил, Аллоҳнинг маъсиятида эса бўйсунма», деди».

[1] Нисо сураси, 29 оят.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI